# Жанговар оилага мансуб граминицид!

- бошоқли бегона ўтларнинг барча турига қарши самарали кураш
- кўплаб муҳим қишлоқ хўжалик воситалари учун рўйхатдан ўтган
- қўллаш пайтида экиннинг ривожланиш даври ахамиятсиз
- бошқа гербицидлар билан аралашма шаклида қўллаш мумкин

# Миура®

**Гербицид**

хизалофоп-П-этил, 125 г/л




С нами расти легче

avgust
crop protection

# Миура® – жангчиларнинг асл зотидан бўлган граминицид!

Танлаб таъсир қилувчи, униб чиққан бегона ўтларга пуркаладиган Миура® гербициди қишлоқ хўжалик экинлари далаларида бир ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши ишлатилади.

Гербициднинг препаратив шакли – таркибида 125 г/л хизалофоп-П-этил бўлган эмульсия концентратидир. Ушбу таъсир этувчи модда 2-(4-арилоксифенокси) пропион кислоталарининг ҳосиласидир.

Миура® тизимли таъсирга эга. Ўсимлик барглари ва бошқа ер усти аъзолари орқали тез сўрилади ва ҳаракатланиб, новдалар ҳамда илдизпояларнинг ўсув нуқталарига етиб боради. Препарат липид синтезини бузиши орқали бегона ўтларни ўлдиради. Гербицид далада фақат ишлов пайтида мавжуд бўлган бегона ўтларни ўлдиради. У тупроққа сингиб кирмайди ва пуркашдан кейин унган бегона ўтларга таъсир қилмайди.

Препарат бир ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларни ўлдиради. Икки паллали бегона ўтларга Миура® таъсир қилмайди.

Бегона ўтларга препарат таъсирининг илк белгилари ишловдан 7 - 10 кун кейин ўсимликлар учи сарғайиши шаклида кўринади. Бегона ўт тури ва об-ҳаво билан боғлиқ ҳолда бегона ўтлар тўла нобуд бўлиши ишловдан 1 - 3 ҳафта ўтганида юз беради.

Миура® экинларни бир йиллик бошоқли бегона ўтлардан ишлов кунидан то ўсув даври охиригача ҳимоя қилади. Ишловдан кейин икки соат орасида ёмғир ёғиши препарат самарасини пасайтириши мумкин.

Миура® фаол ўсаётган бегона ўтларга қарши пуркалганида энг яхши натижа олинади. Таъсир этувчи модда тез сўрилиши учун бегона ўтларда етарли даражада кўпроқ барглари мавжуд бўлиши лозим. Совуқ об-ҳаво, шамол, ҳашаротлар билан зарарланиш, озуқа етарли эмаслиги, олдин гербицид ишлатилганлиги туфайли стресс ҳолатидаги экинларга Миура® билан ишлов бериш тавсия қилинмайди.

Ишчи эритманинг тавсия қилинган меъёри – 200 - 300 л/га. Экин зич ёки бегона ўтлар ҳаддан ташқари кўп бўлса ишчи эритма меъёрини ошириш талаб этилади.

Миура® гербицидининг идиши: ҳажми 5 ва 10 литрли канистралар.

**Регламенты применения**

| Экин | Препарат сарф-меъёри, л/га | Зарарли объект | Қўллаш усули ва муддати |
|---|---|---|---|
| Ғўза, қанд лавлаги, хашаки лавлаги, сабзи, картошка, пиёзнинг барча авлодлари | 0,6 - 0,8 | Бир йиллик бошоқли бегона ўтлар | Фаол ўсаётган бегона ўтларга 2 - 6 барг фазасида пуркалади |
| | 0,8 - 1,2 | Кўп йиллик бошоқли бегона ўтлар | Фаол ўсаётган бегона ўтларга бўйи 10 - 15 см бўлган даврда пуркалади |

*® – «Август» АЖ фирмасининг рўйхатдан ўтган товарлик белгиси*

**«Avgust Aziya» QK MCHJ**
**Tel:** (+998) 97-918-00-88

**Avgust Kompaniyasining O’zbekistondagi rasmiy Distribyutori «SAM AGRO CENTER» MCHJ**
**Tel:** (+998) 99-541-44-44

avgust
crop protection